Диссертациянинг **“Концептуал интеграция назарияси ва уни тил тизимида ифодалашнинг лингвистик воситалари”** деб номланган иккинчи боби тил тизимида концептуал интеграция механизмини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотнинг мақсадига кўра сўз ясовчи ва фразеологик бирликларнинг когнитив-семантик моҳияти аниқланган; ясама ҳамда қўшма сўзлар ва фразеологик бирликлар концептуал интеграциянинг когнитив тамойилига асосланганлиги исботланган.

Асосчилари Ж.Фоконье ва М.Тернер бўлган концептуал интеграция назарияси когнитив стилистиканинг муҳим муаммоларидан бири саналади. Концептуал интеграция деганда мураккаб когнитив жараён тушунилиб, унинг натижасида янги маънолар ҳосил бўлади. Тил материалининг таҳлили концептуал интеграция жараёни когнитив контекст назарияси, билимлар тузилмалари, фокуслаш/дефокуслаш, эмергентлик ва инферентлик каби лингвистиканинг когнитив назариялар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради.

Когнитив контекстнинг аҳамиятига қўпгина лингвистлар томонидан баҳоловчи концептуаллаш ва категориялаш жараёнида урғу бериб ўтилган. Н.Н. Болдиревга кўра, когнитив контекст тил бирликларининг маъноларини ифодаловчи ва уларни тушунишни таъминловчи когнитив тузилмалар ёки билимлар блокларидан иборат. Когнитив контекст, қоидага кўра, жамоавий

¹⁷ Ашурова Д.У. Новые тенденции в развитии стилистики // Тил ва нутқ систем-сath таққинида: материалы науч.-теор. конф. – Самарқанд: СамГИИЯ, 2005. – С. 7–8.

билимларга асосланган марказий тавсифларни ажратиш механизми ҳисобланади¹⁸.

Билимлар тузилмалари деганда ўзаро боғлиқ концептлар тизимини ўзида мужассам этган ахборот блоклари тушунилади. Асосан, билимлар тузилмалари икки турга бўлинади: лингвистик ва экстралингвистик билимлар (мифологик билимлар, диний билимлар, энциклопедик билимлар, коммуникатив билимлар, маданий билимлар ва ҳ.к.).

Фокуслаш муаммоси – бу лингвокогнитив жараён бўлиб, унда бадий асарнинг асосий ғоясини, мазмун-моҳиятини маълум лисоний воситалар ёрдамида ифодаловчи маълум концептни ажратиш содир бўлади¹⁹. Дефокуслаш – лингвокогнитив жараёнларнинг кенг синфи бўлиб, ушбу жараёнлар давомида қурилаётган вазиятнинг маълум унсурлари ёки объектнинг иккиламчи фонга кўчиши содир бўлади²⁰.

Концептуал интеграция жараёнида эмергентлик ва инферентлик жараёнлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Эмергентлик концептуал интеграция жараёнида янги маънолар пайдо бўлиш жараёни ҳисобланади. Н.Н. Альбеков, В.А. Карпов, П.Н. Баришников ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган эмергентлик муаммоси тилнинг барча даражаларидаги бирликларига хосдир. Аммо кўпроқ ҳолларда, таҳлилларимиз кўрсатишича, у матн, хусусан, бадий матн даражасида ифодаланади.

Инферентлик тилда ўз ифодасини топмаган қўшимча маъноларни лисоний ва нолисоний билимларнинг кенг доирасига таянган ҳолда ажратиб олишдан иборат. Инферентлик вазият контексти, олдинги нутқ контексти, дискурс унсури сифатида гапнинг чуқур маъносини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳаёт давомида тўпланган тажрибадан маълум бўлган ахборот негизида амалга оширилади.

Лисоний материалнинг таҳлили шуни кўрсатдики, концептуал интеграция тамойили тил бирликларнинг анча кенг бўлган арсеналини қамраб олган. Уларнинг асосини ясама ва қўшма сўзлар, фразеологик бирликлар ҳамда стилистик усуллар (метафора, метонимия, аллюзия, антономасия, эпитет ва ҳ.к.) ташкил қилади.

Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан ясама сўз маълум ахборотни акс эттирувчи билимлар тузилмасини мустаҳкамлаш шакли ҳисобланиб, инсоннинг когнитив фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Ясама сўзни концептуал интеграция назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконияти унинг қуйидаги хусусиятлари билан шартланган: парчаланганлик, предикативлик, яширинганлик, идиоматиклик, мотивацияланганлик. Концептуал интеграция нуқтаи назаридан ясама сўз тўртта ментал

¹⁸ Кравцова Н.М. Роль когнитивного контекста при оценочной категоризации интеллектуальных способностей человека (на материале английского языка). Вестник ТГУ, выпуск 3 (95), 2011. – С.155-159


¹⁹ Ирисханова О.К. Игры фокуса в языке. Семантика, синтаксис и прагматика дефокусирования. – М.: Языки славянской культуры, 2014. – С.33.

²⁰ Ирисханова О.К. Игры фокуса в языке. Семантика, синтаксис и прагматика дефокусирования. – М.: Языки славянской культуры, 2014. – С.64,245.

маконлардан (four-space model) ташкил топган мураккаб когнитив тузилма сифатида ўрганилади: иккита кириш маконлари (input spaces), умумий макон (generic space) ва “аралаш” ёки интеграллашган макон (blended space). Мазкур маконларнинг ўзаро алоқадорлиги янги концептуал маъноларни келтириб чиқаради. Буни метафтония каби стилистик ҳодисани ифодаловчи “cabbage head” қўшма сўзи мисолида кўриш мумкин.

“Cabbage” концепти бирламчи ментал маконни ифодалайди (input space I/ source domain), “head” концепти фокусли ментал макондир (input space II/ target domain). Таҳлилимизда одатда қуйида келтирилган тўртта даражадан ташкил топган когнитив харитани (cognitive mapping) тузиш деб танилган усулдан фойдаланамиз:

1. Лексикографик манбалар ва ассоциатив луғатлардан келиб чиқиб, таҳлил қилинаётган лингвистик бирликни маъноларини аниқлаш;
2. Таҳлил қилинаётган лингвистик бирликнинг ассоциатив алоқаларини аниқлаш;
3. Концептуал хусусиятларни аниқлаш мақсадида у ёки бу лингвистик бирликнинг ўз ичига олган мақоллар ва маталларни таҳлил қилиш;
4. Таҳлил қилинаётган лингвистик бирликнинг контекстуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида бадий матн/дискурснинг фрагментларни ўрганиш. Тадқиқотимиз мақсади доирасида иккита босқичдан фойдаландик. Қуйида келтирилган чизмада “cabbage head” қўшма сўзида концептуал интеграция жараёни акс эттирилган.




1-расм. “Cabbage head” қўшма сўзида концептуал интеграция жараёни

Концептуал интеграция механизми, фокусли ментал маконга дастлабки ментал маконнинг проекцияси, концептуал интеграция механизми, фокуслаш/дефокуслаш, инферентлик ва эмергентлик жараёнлари натижасида янги концептуал маъно ҳосил бўлади “*dull-witted, inactive, indifferent and foolish person*”.

Тадқиқот ишида фразеологик бирликлар таҳлилига концептуал интеграция назарияси нуқтаи назаридан янгича ёндашилган, бу эса ушбу тил бирликларнинг чуқур семантикасига кириб бориш учун дастлабки шарт-шароитлар яратади. Фразеологик бирликнинг негизини концептуал интеграция тамойили ташкил қилган мураккаб когнитив тузилма сифатида ўрганиш унинг тузилмавий парчаланганлик ва маъно яхлитлиги каби асосий белгилари билан шартланган.

Сомерсет Моэмнинг “Theatre” асаридаги “blue as a devil” фразеологизми мисолида концептуал интеграция механизмини кўрсатиб берамиз.



2- расм. “Blue as a devil” фразеологизми мисолида концептуал интеграция механизми

Мазкур таҳлилда когнитив харита усулининг иккита энг муҳим даражаларидан фойдаланамиз: ушбу фразеологизмнинг концептуал


хусусиятларини аниқлаш мақсадида унинг контекстуал ва ассоциатив алоқаларини тадқиқ қилиш.

Дастлабки “blue” маконини “devil” фокуси маконига концептуал хусусиятларининг проекцияси, фокуслаш/дефокуслаш, интерференция ва эмергентлик жараёнлари натижасида янги маъно пайдо бўлади: *“very sad, unhappy, but at the same time, cruel person who does not deserve sympathy or condolence”*.

Диссертациянинг **“Бадиий дискурда концептуал интеграциянинг когнитив тамойили”** номли учинчи боби бадиий дискурда концептуал интеграциянинг когнитив тамойилига асосланган лингвистик бирликларни аниқлаш ва таҳлил қилишга бағишланган.

Дискурс – бу мураккаб коммуникатив-когнитив ҳодиса бўлиб, унинг таркибига нафақат матн, балки коммуникатив интенциялар, адресант ва адресат омили, вақт ва макон категориялари, шунингдек, прагматик, когнитив ва ижтимоий-маданий контекстларни ўз ичига олган экстралингвистик омиллар кирилади. Бадиий дискурс муаммоси бўйича мавжуд илмий ишларни умумлаштириб ҳамда кузатувларимизга таяниб, бадиий дискурсни қуйидаги белгилари борлигини таъкидлаб ўтиш мумкин: антропоцентризм, интенционалик, субъективлик, модаллик, стилистик белгиланганлик, лингвокреативлик, концептуаллик, имплицитлик, образлик, интертекстуаллик, эмотивлик, эстетик ва аксиологик аҳамиятлилик. Когнитив ёндашув нуқтаи назаридан дискурсни англаш ва талқин қилиш – бу мураккаб когнитив жараён бўлиб, матнда акс эттирилган ахборотни концептуаллаштириш, категориялаштириш ва талқин қилишни кўзда тутувчи матнли ахборотни когнитив қайта ишлашни ўз ичига олади.

Стилистик усулларни ўрганишга когнитив ёндашув стилистик усулни икки ва ундан кўпроқ ўзаро боғлиқ доменларнинг концептуал интеграциясига асосланган когнитив тузилма сифатида кўришга имкон беради. Стилистик усуллар тизимида биз томонимиздан концептуал интеграция тамойилига асосланган бир қатор стилистик усуллар аниқланган. Бу, биринчи навбатда, метафора, метонимия, эпитет, антономазия, аллюзия каби образли стилистик воситалар. Ушбу стилистик усулларнинг айнан образли моҳияти концептуал интеграция, бир концептуал маконни бошқасига проекциялаш ва янги маъноларни шакллантириш имкониятини яратади. Концептуал интеграция механизмини О.Генрининг “The last leaf” асаридаги **"She is fragile as a last leaf"** иборасини солиштириш мисолида кўрсатиб берамиз.




3-расм. "She is fragile as a last leaf" таққослаш мисолида концептуал интеграция механизми

Тил тизимида тил бирликларнинг концептуал интеграциясидан фарқли равишда юқорида келтирилган мисолда лексикографик ва ассоциатив луғатлар таҳлилига қўшимча тарзда лингвистик контекстнинг маълумотлари жалб қилинади. Ментал маконларнинг концептуал интеграцияси натижасида янги маъно пайдо бўлади: *"the person who is ill and has little chances to live but who is strong enough to struggle against the decease"*. Ушбу ўхшатишда онцептуал интеграциянинг ўзига хослиги қуйидагилардир: а) матнли ва матндан ташқари ассоциацияларнинг кенг тармоғи; б) ўхшатишнинг ҳар бир компонентида қарама-қарши тезисли характерга эга янги маъноларнинг яратилиши.

Интертекстуалликни когнитив лингвистика нуқтаи назаридан ўрганиш уни иккита когнитив-ментал маконларнинг ўзаро таъсири орқали янги маъноларни яратиш мумкинлиги сифатида кўришга имкон беради. Бунда прецедентли матн дастлабки ментал макон (input space I) бўлса, қабул қилувчи матн – фокусли ментал макон (input space II) бўлиб хизмат қилади. Бундай ёндашув интертекстуал ассоциатив алоқаларни шакллантиришнинг когнитив механизмларини батафсил ўрганишга ва охирида матннинг чуқур семантикасига кириб боришига ёрдам беради. Интертекстуалликни концептуал интеграция ҳодисаси сифатида Оскар Уайлднинг "The Sphinx

without a secret” асаридаги “**She is Gioconda in sables**” аллюзияси мисолида кўриб чиқамиз.



4- расм. “She is Gioconda in sables” аллюзияси мисолида концептуал интеграция механизми

Мазкур таҳлилда когнитив харита усулининг учта муҳим даражалари фойдаланилган: луғат бўйича таҳлил қилинаётган концептларнинг маъноларини аниқлаш; таҳлил қилинаётган аллюзиянинг ассоциатив алоқаларини аниқлаш; таҳлил қилинаётган аллюзиянинг контекстуал белгиларини аниқлаш учун бадий матн/дискурсни таҳлил қилиш. Ментал маконларнинг ўзаро таъсирида концептуал интеграцияси янги маъно пайдо бўлишига олиб келади: *“attractive and intriguing woman with beautiful spiritual world”*.

Ишда концептуал интеграция нуқтаи назаридан бадий матнда сарлавҳа ҳам таҳлил қилинган. Сарлавҳанинг аҳамияти китобхонда маълум билимлар тузилмаларни ишга тушириш қобилияти билан белгиланади, бу эса фокуслаш/дефокуслаш когнитив механизмлари, фреймли семантика, инферентлик ва эмергентлик жараёнларини қўшишни талаб қилади.

Сарлавҳанинг концептуал интеграция нуқтаи назаридан таҳлили У.С.Моэмнинг “**The Luncheon**” асарининг сарлавҳаси мисолида амалга оширилган. Ушбу мисолда когнитив моделлаштириш жараёни, биринчи навбатда, фреймнинг ҳар бир компонентининг контекстуал ва ассоциатив алоқаларига асосланган. Фреймнинг чўққиси “The Luncheon” асарининг

сарлавҳаси ҳисобланади. Фреймнинг компонентлари (слотлари) “Participants”, “Place”, “Food” сўзларидир.

“He” компонентини матнли ассоциациялар асосида таҳлил қилиб, қуйидаги концептуал белгиларни ажратиб олдик: “financial problems”, “too young”, “flattered”, “gallant”, “hospitable”. Бу ҳол ҳикоянинг қуйидаги парчалари билан тасдиқланади:

... I had a tiny apartment in the Latin quarter overlooking a cemetery and I was earning barely enough money to keep the body and soul together.....

... For myself I chose the cheapest dish on the menu and that was a mutton chop....

...If I cut off coffee for the next two weeks I could manage well enough....

.... My heart sank a little. I knew I could not afford caviar but I could not very well tell her that.

...I fancy I turned a trifle pale. I ordered half a bottle....

...My heart sank. I had seen them in the shops and I knew that they were horribly expensive.....

...Panic seized me: it was not question now how much money I should have left over for the rest of the month but whether I had enough to pay the bill

.... Of course, it would be awkward if she had not money enough either to pay the bill; then the only thing would be to leave my watch and say I would come back and pay later....

..... But I was flattered and I was too young to have learned to say no to a woman.... It would be mortifying to find myself ten francs short and be obliged to borrow from my guest. I could not bring myself to do that.....

Қуйидаги парчалар ёш ёзувчини ҳазилкаш, киноя ва ўзига нисбатан кесатикларни қўлайдиган инсон сифатида тавсифлайди:

... She was not so young as I expected and in appearance imposing rather than attractive. She was, in fact, a woman of forty (a charming age but no one that excites a sudden and devastating passion at first sight), and she gave me the impression of having more teeth, white and large and even, that were necessary for any practiced purpose....

... I will do better than that, I retorted. I will eat nothing for dinner tonight...

... But I have had my revenge at last.

.....I will do better than that, I retorted. I will eat nothing for dinner tonight... But when I talked out of the restaurant I had the whole month before me and not a penny in my pocket...

Сўнгра “Place” компонентининг қуйидаги концептуал белгиларини аниқлаймиз: “fashionable”, “expensive”. Мазкур инферент билимларни қуйидаги гапдан оламиз:

.....Foyot's is a restaurant at which the French senators eat and it was so far beyond my means that I had never even thought of going there. ...

“Food” слотининг концептуал белгиларига “expensive”, “unusual”, “not in a season”, “a lot of food” каби бирликлар кириб, бош қахрамонни очкўз одам сифатида яширин (имплицит) тарзда тавсифлайди:

*....A little fish, perhaps, I wonder if they have any salmon. ...
Unless you have a little caviare. I never mind caviare. My heart sank. I knew I
could not afford caviare...
Except white wine, she proceeded as though I had not spoken. My doctor won't let
me drink anything but champagne.
Unless they had some of those giant asparagus. ...
I knew that they were horribly expensive...
Yes, just an ice-cream and coffee. ...
But I have just had a snack and I shall enjoy a peach. ...
But surely peaches were not in a season then?...*

Умуман олганда, фреймли таҳлил “she” қаҳрамонини тавсифловчи “cunning”, “tricker”, “gluttonous”, “myrcantile”, “hypocritical” каби эмержент концептуал белгиларни аниқлашга имкон беради.

Охирида фреймнинг чўққиси, яъни “Luncheon” сарлавҳасини таҳлил қилайлик. Даставвал жамоавий билимларга мурожаат қиламиз. Уларга кўра, “Luncheon” ва “Lunch” тушунчалари синонимик ва *кўпинча бизнес соҳасида шартномани муҳокама қилиш ёки тузиш мақсадида ўтказиладиган иккинчи нонушта, енгил тушлик, газакни (“Lunch” is a light meal at the midday, a small snack, a light meal for business.- M-W.E.D)* англатади. Контекстда сарлавҳа янги, мутлақо қарама-қарши маънога эга бўлиб, киноя ва кесатик таъсирни ҳосил қилади. Лексикографик манбаларда қайд этилган жамоавий билимларни намоён қилувчи “a light meal”, “a small snack”, “a meal for business” тушунчалари иккинчи даражали бўлиб қолади, дефокусланади, эътибор марказида эса матн талқини жараёнида олинган инферент характердаги индивидуал билимлар бўлади. Шундай қилиб, фокуслаш жараёнида сарлавҳада бирламчи фреймда мавжуд бўлмаган янги концептуал маънолар пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, “Lunch” стереотип вазияти ҳикояда келтирилган “Luncheon” муқобил фреймига алмашади. Маълумки, бу ҳодиса рефрейминг номини олган.

Фрейм ва рефрейминг тушунчаларининг ушбу ҳикояни талқин қилиш жараёнида ишлатилиши куйидагиларга имкон беради:

- а) имплицит (яширин) маъноларни аниқлаш;
- б) ҳикояда акс этирилган қаҳрамонлар ва бутун коммуникатив вазият ҳақида янги билимлар олиш;
- в) бутун ҳикоянинг умумий киноя оҳангини (тоналлигини) аниқлаш.

ХУЛОСА

1. Когнитив стилистика когнитив лингвистиканинг йўналишларидан бири сифатида шаклланиши умумий тушунчалар ва назарий қоидалар мавжудлиги, шунингдек, стилистик тадқиқотларда когнитив лингвистикада ишлаб чиқилган ва қўлланилган тушунчалари ва таҳлил усулларидан фойдаланиш имконияти билан боғлиқ. Биринчи навбатда, бу антропоцентризм, фанлараро боғлиқлик тамойили ва илгари суриш

назариясига тааллуқлидир. Таъкидлаб ўтиш жоизки, когнитив лингвистика ва стилистиканинг кўпгина атамалари айнан мос келади ёки маъновий жиҳатдан жуда яқиндир.

2. Асосчилари Ж. Фоконье ва М. Тернер бўлган концептуал интеграция назарияси когнитив лингвистиканинг янги йўналишларидан бири ҳисобланади. Когнитив стилистика ва умуман когнитив лингвистиканинг назарий муаммоларидан бири саналган ушбу назария америкалик тилшунослар М. Жонсон ва Ж. Лакоффлар томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган концептуал метафора назариясининг давомидир. Концептуал интеграция концептуал маконларнинг ўзаро таъсир қилиш когнитив механизмини ўзида намоён қилади ва бунинг натижасида янги маънолар пайдо бўлади. Концептуал интеграциянинг тузилмаси “тўрт макон модели”га (four-space model) асосланади. Мазкур модель иккита дастлабки ментал маконлар (input spaces), умумий макон (generic space) ва интеграллашган макондан (blended space or blend) иборат. Интеграллашган макон концептуал интеграциянинг маҳсули ёки натижаси бўлиб, инферентлик ва эмергентлик хусусиятларига эга. Тадқиқотда концептуал интеграция назариясини ишлаб чиқишни давом эттириш, ушбу феноменнинг моҳиятини белгиловчи когнитив механизмларини аниқлашга ҳаракат қилинган. Тил материалининг таҳлили шуни кўрсатдики, концептуал интеграция жараёни когнитив лингвистикасининг когнитив контекст, билимлар тузилмалари, фокуслаш-дефокуслаш, эмергентлик ва инферентлик каби назариялари билан чамбарчас боғлиқ экан.

3. Концептуал интеграция назариясининг асосий муаммоларидан бири концептуал интеграция механизмида асосланган лингвистик бирликларни аниқлаш ҳисобланади. Ушбу назария кўпгина ҳолатларда кўрсатилгандек фақатгина метафора ва метонимия билан чегараланиб қолмайди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, концептуал интеграция тамойили асосини тил тизимидаги кўпгина тил бирликлари (ясама ва қўшма сўзлар, фразеологик бирликлар) ҳамда бадий дискурда қўлланиладиган стилистик воситалар (метафора, метонимия аллюзия, антономасия, эпитет ва бошқалар) ташкил қилишини кўрсатди.

4. Сўз ясалиши когнитив лингвистика нуқтаи назаридан ясама ва қўшма сўзларнинг семантикасини шакллантириш учун когнитив асосларни белгилайди. Шунга кўра, ясама ва қўшма сўзларни биз билимлар берувчи ва янги маъноларни яратувчи мураккаб концептуал тузилма сифатида ўрганамиз. Ясама ва қўшма сўзларни концептуал нуқтаи назардан ўрганиш имконияти унинг қуйидаги хусусиятлари билан шартланган: парчаланганлик, предикатлик, имплицитлик, идиоматиклик, мотивацияланганлик. Бинобарин, ясама ва қўшма сўзлар тил тизимида мавжуд бўлган тушунчалар (концептлар) асосида пайдо бўлади ҳамда уларнинг мураккаб ўзаро таъсирини намоён қилади. Ясама ва қўшма сўзларнинг таркиб топиши концептуал интеграция жараёнида содир бўлади ҳамда когнитив контекст ва ўзаро боғлиқ доменларнинг билимлар тузилмаларига қараб ясама ва қўшма

сўзларнинг семантикасида мустаҳкамланган янги маъноларни келтириб чиқаради.

5. Фразеологик бирликни асосини концептуал интеграция тамойили ташкил қилган когнитив тузилма сифатида ўрганиш имконияти унинг иккита асосий хусусиятлари, яъни тузилмавий жиҳатдан парчаланганлик (алоҳида расмийлаштирилганлик) ва маъно яхлитлиги билан изоҳланади. Фразеологик бирликнинг турли билимлар тузилмаларини ифодалаш қобиляти ушбу лингвистик бирликка когнитив тузилма сифатида қараш ҳамда унинг семантикасига чуқур кириб бориш имконини беради.

6. Дискурс – бу мураккаб коммуникатив-когнитив ҳодиса бўлиб, нафақат матн, балки турли экстралингвистик омилларни, хусусан, вазият-прагматик контекст (коммуникатив интенциялар, адресант ва адресат омили, вақт ва макон категориялари) ҳамда когнитив ва ижтимоий-маданий контекстни (билимлар тузилмаларини) ўз ичига олади. Бадиий дискурс муаммоси бўйича мавжуд илмий ишларни умумлаштириб ҳамда кузатувларимизга таяниб, бадиий дискурснинг кўйидаги аҳамиятли хусусиятларини таъкидлаш жоиз: эстетик ва аксиологик аҳамиятлилик, антропоцентризм, интенционалик, модаллик, стилистик белгиланганлик, лингвокреативлик, концептуаллик, имплицитлик, образлилик, интертекстуаллик, эмотивлик. Когнитив ёндашув нуқтаи назаридан дискурсни англаш, уни тушуниш ва талқин қилиш – бу мураккаб когнитив жараён бўлиб, матнда акс эттирилган ахборотни концептуаллаш, категориялаш ва талқин қилишни кўзда тутувчи матнли ахборотни когнитив қайта ишлашдан иборат.

7. Мазкур ишда стилистик усуллар тушунчасига концептуал интеграция, когнитив контекст ва билимлар тузилмалари нуқтаи назаридан қаралган янги ёндашув асослаб берилган. Концептуал интеграция механизмига асосланган метафора, метонимия, эпитет, аллюзия, антономазия каби стилистик усуллар аниқланган. Ушбу стилистик усулларнинг образли моҳияти иккита концептуал макон интеграцияси, бир концептуал маконнинг бошқасига проекцияси ва янги маънолар шакллантириш имкониятини бериши ҳақидаги ғоя асослаб берилган.

8. Когнитив ёндашув нуқтаи назаридан интертекстуаллик тушунчаси концептуал интеграция сифатида ўрганилади. Унда прецедентли матн дастлабки ментал макон (input space I) ролида, қабул қилувчи матн эмас фокусли ментал макон (input space II) сифатида намоён бўлади. Бундай ёндашув концептуал интеграция ҳодисаси ҳамда концептуал доменлар, ментал маконлар, когнитив контекст, билимлар тузилмалари, фокуслаш, дефокуслаш, эмергентлик ва инферентлик ўзаро таъсир кўрсатиш муҳанизмлари билан шартланган интертекстуал ассоциатив алоқаларни шакллантириш когнитив механизмларини батафсилроқ ўрганилишини кўзда тутуди. Бу охир-оқибатда матнинг чуқур семантикаси ҳамда унга хос бўлган концептуал доменлар, билимлар тузилмалари, фокуслаш/дефокуслаш,

эмержентлик ва инферентлик каби омилларнинг ўзаро таъсир қилиш когнитив механизмларининг кириб келишига имкон беради.

9. Тадқиқот ишида аллюзив сарлавҳа тушунчаси бадиий матнда концептуал мазмун нуқтаи назаридан ўрганилган асосий интертекстуал маркер сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сарлавҳанинг аҳамияти унинг китобхонда ҳам прецедентли ҳам реципиентли матнда билимлар тузилмаларини ишга тушириш қобилияти билан белгиланади. Шу боис тадқиқотимизда сарлавҳа концептуал интеграция назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган, бу эса ўз навбатида фокуслаш/дефокуслаш когнитив механизмлари, эмержентлик ва инферентлик жараёнларини ишга туширишни талаб қилади. Сарлавҳа таҳлили концептуал интеграциянинг юқорида келтирилган когнитив механизмларига қўшимча тарзда фреймли таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди, бу эса бутун матнни чуқур семантикасини декодлаш ҳамда когнитив-стилистик таҳлил қилиш назариясини ишлаб чиқишга маълум даражада ҳисса қўшишга имкон беради.

10. Концептуал интеграциянинг тил тизимида ясама, қўшма сўзлар ва фразеологик бирликлар материалида ҳамда бадиий дискурсда стилистик усуллар, интертекстуаллик ва сарлавҳа категориялари материалида ўтказилган таҳлили ушбу тил ҳодисаларининг когнитив моҳиятидаги маълум ўхшашликлар ва фарқларни аниқлашга имкон берди. Ўхшашлик шундан иборатки, концептуал доменларнинг ўзаро таъсири, фокуслаш, дефокуслаш механизмлари, эмержентлик ва инферентлик жараёнлари каби когнитив механизмлари тил тизимининг лисоний бирликлари ва бадиий дискурсда мос келади. Фарқли жиҳатлари шундан иборатки, бадиий дискурсда концептуал интеграция қуйидагилар билан тавсифланади: а) матнли ва матндан ташқари ассоциацияларнинг кенг тармоғи; б) концептуал интеграция жараёнида субъективизм, баҳоланганлик, муаллиф модаллиги, аксиологик ва маданий аҳамиятлилиқ билан ажралиб турган жамоавий ва шахсий-муаллифлик билим тузилмалари билан тақдим этилганлик.

11. Тил бирликларини таҳлил қилишда концептуал интеграция тамойилидан фойдаланиш афзаллиги қуйидагиларда ўз аксини топган: 1) концептуал интеграция тузилма ва семантикаси жиҳатдан мураккаб тил бирликларининг когнитив-семантик таҳлилинини амалга ошириш учун шароит яратади; 2) концептуал интеграция метафорадаги чуқур маъноларни тўлароқ талқин қилиш мақсадида когнитив-метафорик таҳлил қилишни кенгайтириш ва батафсиллигини оширишга ёрдам беради; 3) бадиий дискурснинг концептуал интеграциясида ва чуқур семантикаси декодлашга асосланган когнитив тузилма сифатида стилистик усулнинг янги талқинини таъминлайди; 4) концептуал интеграция бадиий дискурснинг имплицитли ахборотини тўлароқ талқин қилиш ва унинг чуқур мазмун-моҳиятини репрезентация қилиш учун шарт-шароит яратади.

**ONE-TIME SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF
UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER
ALISHER NAVOI**

UZBEKISTAN STATE UNIVERSITY OF WORLD LANGUAGES

SINJAPOVA RUSANA RUSLANOVNA

**COGNITIVE PRINCIPLE OF CONCEPTUAL INTEGRATION IN THE
LANGUAGE SYSTEM AND DISCOURSE**

**10.00.04 – Language and Literature of the peoples of Europe, America and
Australia**

**ABSTRACT
of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

Tashkent– 2022

The theme of doctoral (PhD) thesis was registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under №B2019.2.PhD/Fil822.

Doctoral thesis was completed at Uzbekistan state university of world languages.

Dissertation abstract of thesis is placed on the web site of the Scientific Council (www.navoiy-uni.uz) and educational informational portal of “ZiyoNet” (www.ziynet.uz) in three languages (Russian, Uzbek, English (resume).

Scientific supervisor: **Ashurova Delyaram Umarovna**
Doctor of Philological Science, Professor

Official opponents: **Siddikova Iroda Abduzuxurovna**
Doctor of Philological Science, Professor

Yusupova Guzal Rashitovna
Doctor of Philosophy in Philological sciences (PhD), Associate Professor

Leading organization: **Tashkent State Pedagogical University named after Nizami**

Dissertation defense will be held at the meeting of the One-time Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 at Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi on _____ at _____. (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaroy district, Yusuf Xos Xojib street, 103). Tel.: (99871) 281–42–44; fax: (99871) 281–42–44, (www.tsuull.uz).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of Tashkent State University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi (registered by _____). Address: 100100, Tashkent, Yakkasaroy district, Yusuf Xos Xojib street, 103. Tel.: (99871) 281–42–44; fax: (99871) 281–42–44, (www.tsuull.uz).

Dissertation abstract was distributed in 2022 “____” _____.
(Digital Registry note № . _____ in 2022 “____” _____.).

N.Z.Normurodova
Chairman of the One-time Scientific Council Rewarding Scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences,
Associate Professor

Q.U.Pardayev
Scientific Secretary of the One-time Scientific Council awarding Scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences,
Associate Professor

S.Kh.Mukhamedova
Vice Chairman of the Scientific Seminar at the One-time Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The topicality and purpose of the research. The purpose of the research is to identify and analyze linguistic units based on the principle of conceptual integration in the language system and in discourse, as well as to determine the main cognitive mechanisms inherent in the process of conceptual integration.

The object of the research: linguistic units based on the principle of conceptual integration in the language system and in the literary discourse on the material of English-language literature of the late 19th and early 20th centuries.

The scientific novelty of the research work is as follows:

the main language units based on the principle of conceptual integration in the system of language and discourse have been identified, the cognitive essence of word-formation and phraseological units based on the principle of conceptual integration is determined;

a new understanding of the stylistic device as a cognitive structure is presented, which is based on the principle of conceptual integration, also the close interaction between the phenomenon of conceptual integration and intertextuality is argued;

the expediency of applying the theory of conceptual integration, frame analysis and cognitive context in the interpretation of artistic discourse, in particular, its title, is proved;

further investigation of conceptual blending is carried out to reveal the cognitive mechanism lying in the basis of this phenomenon; it is proved that conceptual blending is based on such mechanisms as interaction of two or more conceptual domains, focusing, defocusing, emergence and inference.

Implementation of the research results:

Scientific results, suggestions and recommendations of the dissertation research were used in the following projects:

the results of conceptual blending investigation and its linguistic verbalization is used in the implementation of the applied project "I-OT-2019-7-Development and implementation of interactive teaching aids 3D systems for secondary schools (on the subject "Literature" Grade 5)" of the Tashkent State University of Oriental Studies (reference from the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan dated February 5, 2021 No. 02-15/747). Within the framework of the project, materials and scientific results of this study were introduced;

the results of study of compound and derived words, phraseological units and stylistic devices are used in the innovative project "I-OT -2019-42-Compilation of the Uzbek and English electronic poetic dictionary", carried out at Tashkent State University of the Uzbek language and literature by Alisher Navoi (reference from Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi dated March 2, 2021 No. 04/1-440). As the result, the project is enriched in linguistic means based on conceptual blending, namely, compound and derived words, phraseological units and stylistic devices such as metaphor, epithet and simile;

the results of the linguistic means analysis from the position of conceptual blending are also used in the preparation of television programs such as "Metod" и "Kun tartibi" of "Foreign languages" channel under National Television and Radio company (reference from National Television and Radio company dated 24.02.2022 No. 02-05-467). As a consequence, the results of scientific investigation lead to increasing of scientific effectiveness of the television programs.

The structure and the volume of the thesis. The thesis consists of an introduction, three chapters, a conclusion and the list of used literature. The total volume of the dissertation is 131 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I бўлим (I часть, part I)

1. Синжапова Р.Р. Производное слово в свете теории концептуальной интеграции // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2021. – №11. – С.78-80. (10.00.00; № 9)
2. Sinjarova R.R. Phraseological unit as a phenomenon of conceptual blending // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2021. – №12. – С. 78-81. (10.00.00; № 21)
3. Синжапова Р.Р. Новые подходы в изучении стилистических приёмов и их типологии// Филология масалалари. – Ташкент, 2019. –№3. – С.154-161. . (10.00.00; № 18)
4. Синжапова Р.Р. Теоретические проблемы когнитивной стилистики// Филология масалалари. – Ташкент, 2020. – №2. – С.122-133. (10.00.00; № 18)
5. Sinjarova R.R. Allusion as a phenomenon based on the mechanism of conceptual blending representation// Journal of Critical Reviews (SCOPUS), ISSN- 2394-5125. Vol 7, Issue 9, 2020. – С.298-301.
6. Sinjarova R.R. The uniqueness of literary discourse// ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Journal. Vol.11, Issue 5, May 2021.- 326-329 Impact Factor: SJIF 2021 7.492
7. Синжапова Р.Р. Анализ заглавия с позиции фреймовой семантики // Образование и инновационные исследования. – Ташкент, 2021. – №5.- С.89-95. (O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2021-yil 30-sentabrdagi 306/6-son Qarori).
8. Синжапова Р.Р. Теория концептуальной интеграции и лингвистические средства её выражения // Молодой ученый. – Казань, 2019. – Часть 2. – С. 393-395.
9. Синжапова Р.Р. Когнитивные основания фразеологических единиц // XV Международная научно-практическая конференция. – Барнаул, 2019. – Часть 2. – С. 25-30
10. Синжапова Р.Р. Теория концептуальной интеграции // XV Международная научно-практическая конференция. –Ташкент-Нижний Новгород, 22 мая 2019. – Том 3. –С. 69-72
11. Синжапова Р.Р. Теория ментальных пространств// "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги Республика миқёсида ўтказиладиган 15-қўп тармоқли илмий мусофавий онлайн конференцияси. – Ташкент, 2020, 30 апрель. – Часть 4. – С.256-257
12. Sinjarova R.R. The notion of intertextuality// «Янги Ўзбекистонни куриш ва ривожланишида ёшларнинг фаоллиги» мавзусидаги IV онлайн конференция, 7-секция. – Наманган, 2020. – С.328-331

II бўлим (II часть, part II)

13. Синжапова Р.Р. Понятие художественного дискурса и его отличительные признаки// Замонавий-таълимда рақамли технологиялар: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари. Халқаро илмий-амалий масофавий конференция. – Тошкент, 2020, 1 июнь. – С. 133-135
14. Синжапова Р.Р. Понятие заглавия с позиции когнитивной стилистики // «Илм-фан таълимнинг ривожланиш истиқболлари» 3-сонли масофавий онлайн илмий конференцияси, 2020, 26 июнь (www.openscience.uz). – С.52-54
15. Sinjarova R.R. Epithet as a phenomenon of conceptual blending// Международная научно-практическая конференция "Концепции современного образования: новации в системе научного знания". – Казань, 2020. – С.34-39
16. Синжапова Р.Р. Теория концептуальной интеграции // Республиканская научно-практическая конференция. – Нукус, 2019. – Часть 2. – С. 227-229
17. Sinjarova R.R. The notion of cognitive linguistics and cognitive stylistics// Ўзбекистонда илм-фан ва таълим мавзусидаги илмий конференция. – Қўқон, 2020, 26 март. – Часть 1. – С.429-433.
18. Sinjarova R.R. The mechanism of conceptual blending// Международная научно-практическая конференция "Подходы и приемы использования STEM-технологий на уроках иностранного языка". – Нукус, 2020, май. – С. 146-148
19. Синжапова Р.Р. Теория концептуальной метафоры в современной лингвистике // "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги Республика миқёсида ўтказиладиган 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференцияси. – Ташкент, 2020, 2 июнь. – Часть 7. – С.539-540
20. Синжапова Р.Р. Направления когнитивной лингвистики // Ўзбекистонда илм-фан ва таълим мавзусидаги илмий конференция. – Қўқон, 2020, 26 май. – №3. – Часть 5. – С.463-465